



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Жўраев Баҳромнинг

*“Ўқувчиларда ҳуқуқий тушунчаларни шакллантиришга
хос қобилиятлиликни ўрганиш” мавзусида ёзган*

Илмий мақоласи

Қарши- 2017

**Ўқувчиларда хуқуқий тушунчаларни шакллантиришга хос қобилиятлиликни
үрганиши**
Жўраев Баҳром-Психология кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: мақолада ўқувчиларда юридик тушунчаларни шакллантиришда уларнинг тушунчаларни ўзлаштиришга нисбатан психологияк тайёрлик ҳолатини психодиагностика қилиш, уларнинг тафаккур хусусиятларини аниқлаш. Фикрлаш, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш ва уларни солиштира олиши натижаларининг таҳлили ёритилган.

Таянч иборалар: ўқувчи, юридик тушунчалар, ассоциатив фикрлаш, абстракт, метафорик, конкрет-харакат, ақлий фаолият, синтезлаш.

Психология фанида шахснинг ўзини ўзи англаши, хурмат қилиши, хатти-харакатларини тартибга солиши, қадриятларни камол топтириши, ижтимоий тамойилларга амал қилиши, шахсларо муносабатларни тартибга солиши ва бойиб бориши таъминлашнинг қонун-қоидаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Психологияда социал меъёрларга амал қилиш ўз навбатида хуқуқий меъёрларнинг уйғунлашган бир такрибий қисми сифатида караш мумкин. Хуқуқий меъёрлар қонун хужжатлари билан белгиланганлиги боис уларга амал қилиш шахснинг камол топганлиги, кечинма-туйғуларини тартибга солиши ва хатти-харакат ҳамда хулқ-авторини назорат қилиш билан боғлиқ кечади. Демак, шахснинг хуқуқий саводхонлиги, хуқуқий тушунчаларни шакллантириш педагогик-психологияк конуниятларга кўра амалга оширилади.

Мамлакатимизда ёшларни камол топтириш уларни жаҳон андозаларига мос равишида шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмаоқда. Айнан, касб-хунар коллежлари ўқувчиларида турли йўналишлар бўйича тушунчаларни ўринли тушунтириш ва уларнинг фикрлаши, дунёқарашини янада ортиб бориш имконини беради. Шу боис, биз ҳам илмий тадқиқот ишимизда касб-хунар ўқувчиларида юридик тушунчаларни шакллантиришга хос қобилиятлилигини аниқлаш масқадида диагностик ишлар олиб боришга ҳаракат қилдик.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларида юридик тушунчаларни шаклланганлигини тадқиқ этиш масқадида тадқиқотни ташкил этиш муаммонинг назарий-методологик масалаларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилди. Бунинг учун ўқувчиларнинг тушунчаларни баҳолай олиш имкониятларининг психологик хусусиятлари, ўқувчиларнинг касб-хунар таълим жараёнига қадар юридик тушунчалардан хабардорлик ҳолати ва касб-хунар таълими жараёнида юридик тушунчаларни шакллантириш хусусиятларига эътибор қаратилди. Тушунчаларнинг шаклланганлик даражасини тадқиқ этиш методлари ўқувчиларнинг тушунча тўғрисидаги тасаввурлари, тафаккури, тушунчаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлай олиши, шаклланганлиги ўқувчининг умумий тараққиёти билан ижтимоий муҳитнинг ўзаро уйғунлашувига эга эканлиги, сезги, идрок, тасаввур ва хотира жараёнларининг ривожланганлик ҳолатини кўрсатади.

Шу сабабли ҳам Э.Ф.Фозиев тушунчаларни шаклланишида атроф-оламдаги воқеа-ҳодисаларнинг белгилари, аломатлари ва хусусиятлари, хоссалари, конуниятларини ва ўзаро боғланишларини билиш фаолиятида ва таълим жараёнида тушуниб боришлари, фикрлаш жараёнида миқдор ва сифат ўзгаришлар юз беришини қайд этиб ўтган эди (Тафаккур психологияси, [1]).

Шунингдек, ўқувчиларда тушунчаларнинг шаклланишида бошқа психик жараёнларнинг аҳамиятини, ўқув материалларнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиши, П.П.Блонский, Н.А.Менчинская, Г.С.Костюк, А.А.Люблинская, Л.В.Занков ва Э.Ф.Фозиевлар ўз тадқиқотларида қайд этганлар. Мазкур олимларнинг илмий изланишлари ўқувчиларда юридик тушунчаларни шакллантиришнинг муҳим психологик хусусиятларини таҳлил қилишга йўналтирувчи илмий ғоялар сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотимизда ўқувчиларда тушунчаларни шакллантириш қобилиятларини ўрганишда тадқиқот ишига таалтуқли методикаларни қўллаб натижалар таҳлилига амалий ёндашдик. Жумладан, “Пиктограмма” “Мураккаб аналогия”, “Тушунчаларни таққослаш”, “Мухим белгиларини ажратиб кўрсатиш”, “Мантикий тафаккур” методикаларидан фойдаландик.

“Пиктограмма” (А.Р.Луря), методикасидан фойдаланишининг асосий мақсади, ўқувчиларнинг эсга олиб қолиш хусусиятлари ва унинг самарадорлиги, ассоциатив фикрлаш фаолияти характери ва тушунчали тафаккурнинг шаклланганлик даражасини аниқлашдан иборат.

Методикада фойдаланилган сўзлар ва сўз бирикмаларида беш тоифа белгилардан иборатдир:

-абстракт тасвиirlар (A)-чизиқлар кўринишидаги, аммо бирор-бир маъноли тимсолни ифодаламаганда;

-белгили-символли (Б)-символлар ёки белгилар орқали ифодаланганда (геометрик фигура, стрелка ва бошқалар);

-конкрет (К)-конкрет предметларда ифодаланган;

-сюжетли (С)-предметларни ифодалаш бирор бир вазият, сюжет, бирор бир фаолият орқали ифодаланганда;

-метафорик (М)- тасвиirlар метафора шаклда ифодаланганда, масалан, “қувонч” сўзи осмонга парвоз қилаётган одам қиёфасида тасвиirlанганда.

Методикани қўллашдан олинган қийматларни таҳлил қилишда икки ҳл тартида ёндашилди:

биринчи ҳолатда, респондентларнинг тасвиirlарининг сўзларнинг ифодалаш классификациясига;

иккинчи ҳолатда эса респондентларнинг умумий қийматлари тарзда шарҳлашга ҳаракат қилинди.

3.2.1-жадвал

Респондентларнинг “Пиктограмма” методикаси бўйича қийматлари (фоиз ҳисобида)

№	Сўзларнинг тасвирий ифодланиш турлари	Умумий
1.	Абстракт тасвиirlар (A)	7,27
2.	Белгили-символли (Б)	15,67
3.	Конкрет (К)	72,43
4.	Сюжетли (С)	4,30
5.	Метафорик (М)	0,33
Жами:		100

Ўқувчиларнинг методика қийматларини биринчи йўналиш бўйича кўриб чиқилганда фарқ қилувчи қийматларни кузатишга эришилди. Ўқувчиларнинг методика бўйича микдорий кўрсаткичларида энг муҳим ўрин сўзларни конкрет тасвиirlarda (72,423) ифодаланди. Методиканинг нормасига кўра респондентларда конкрет тасвиirlарни устуворлиги ўқувчиларнинг конкрет-харакат тафаккур етакчилик қилганигини кўрсатади. Иккинчи ўринда ўқувчиларда сўзларни белгили-символли (15,67 фоиз) тасвиirlовчilar жой олган. Методиканинг хусусиятига кўра ўқувчиларда сўзларни “абстракт” ва белгили-символли ифодалаш етакчилик қилганда, уларда фикрловчи тип ва ақлий фаолиятда ахборотларни синтезлаш ва умумлаштиришга интилиш, юқори абстракт-мантикий тафаккур хос деб хulosаланади.

Ўқувчиларнинг сўзларни эсга олиб қолиши ва эсга туширишда сюжетли (4,30) ва метафорик (0,33) тасвиrlаш бошқа турлардан анча фарқ қилмоқда. Ўқувчиларнинг қийматларидағи бу ҳолат бошқа тафаккур турларига нисбатан тушунчали тафаккурнинг шаклланганлик ҳолати образли тафаккурдан далолат беради. Бу уларда бадий қобилияти ва бадий ижодиётга қизиқишлиарини англатади. Тадқиоқтнинг миқдорий қийматлари респондентлар, яъни ўқувчиларда тушунчали тафаккур шаклланганлик даражасини мавхум тушунчалар ва тасвиrlар ўртасида эркин муносабатни ифодалай олганлиги белгилайди.

Ушбу методика ўқувчиларда тушунчали тафаккур шаклланганлигини эмас, балки унинг проектив аҳамияти шахслик хусусиятларини тавсифлашга хизмат қилади. Масалан, ўқувчиларнинг тасвирида одам сурати кўп учрайдиган ҳолатлар, ўқувчиларнинг оғзаки маълумотларни моҳирона ифодалашлари ва мулоқотмандликларидан хабар беради.

Бундан кўринадики, бу борада ҳам қийматларни ифодалаш ўқувчиларнинг кичик мутахассис сифатида шаклланишлари ва танлаган касб-хунар соҳасига мос клишларини ифодалашга хизмат қилади.

Аммо юқорида тушунчаларни шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида сўз юритилганда, бошқа психик жараёнларнинг аҳамиятини мухимлиги эътироф этилганди. “Пиктограмма” методикасини кўллашдан мақсаднинг бир жиҳати ҳам хотира билан тушунча шаклланишини ўзаро боғлашдан иборат эди.

3.2.2-жадвал

Ўқувчиларнинг тушунчаларни шакллантиришга қобилиятлилигини ўрганиш натижалари

№	Методикалар	Умумий натижа		Ўқувчилар	M	σ	t
		M	σ				
1.	Пиктограмма	7,64	1,39	Ўғил	7,56	1,35	-,677
				қиз	7,72	1,44	
2.	Мураккаб аналогия	5,67	1,42	Ўғил	5,40	1,32	-2,10*
				қиз	5,94	1,47	
3.	Тушунчаларни таққослаш	5,24	0,95	Ўғил	5,34	0,96	1,010
				қиз	5,14	0,947	
4.	Мухим белгиларини ажратиб кўрсатиш	5,76	1,31	Ўғил	5,50	1,26	-1,905
				қиз	6,02	1,31	
5.	Мантиқий тафаккур	6,04	1,35	Ўғил	6,20	1,41	1,740
				қиз	5,88	1,28	
6.	Ортиқасини ўчириш	5,89	1,36	Ўғил	5,78	1,43	-,859
				қиз	6,00	1,29	

* $p \leq 0,05$

Ўқувчиларнинг методикалар бўйича умумий қийматлари акс эттирилган жадвалларида бир қатор ҳолатлар хусусида тўхталишга олиб келди дейиш мумкин. Ўқувчиларнинг “Пиктограмма” методикаси бўйича қийматларни шарҳлашда иккинчи жиҳатига мурожаат қилинади. Бу эса ўқувчиларнинг тушунчаларни ва юридик соҳабилимларни ўзлаштиришида хотира жараёнининг ўрнини аниқлашга олиб келди. Хотиранинг қонуниятларига кўра инсоннинг ўртача хотира кўламини белгиловчи меъёр Мюллernинг “олтин рақами”га мос келмоқда. Ўқувчиларнинг умумий қийматларига кўра-7,64, ўғил болаларда-7,56 ва қизларда -7,72 га tengлиги аниқланди. Методикаларнинг умумий натижаларига кўра қизлар билан ўғил бола ўқувчиларнинг

натижаларида кескин статистик фарқни ифодаловчи қийматлар аниқланмади. Биргина ҳолатда ўқувчиларнинг натижаларида фарқлар ўртасида тафовут мавжуд экан, яъни “Мураккаб анологиялар” методикаси натижасига кўра қиз ўқувчилар ўғил болаларга нисбатан аҳамиятли кўрсаткичга эга бўлоди: 5,40 ва 5,94; $t=-2,10$, $*p\leq 0,05$. Бу эса ўқувчи қизларда тушунчалар ўртасидаги абстракция ва мураккаб мантиқий боғланишларни аниқлаш қобилияти бир оз юқорироқ эканлигидан далолат бермоқда. Ўқувчи ўғил болалар эса мураккаб анологиялар билан ишлашда кийинчиликларга дуч кишиллари, мантиқий мулоҳазалар ўртасидаги боғлиқликни тарқоқ изоҳлашлари, мантиқий алоқаларни ёлғон тушуниш мумкин экан.

Ўқувчиларнинг натижаларини умумий қийматлари ўртачадан юқори қийматларни акс эттираётганлиги тушунчаларни шакллантиришга қобилиятли ўқувчилар етарлича эканлигини англатади. Тушунчаларни шаклланнишда ўқувчиларнинг психик имкониятлари мавжуд дейишга нисбий асос бор. Ушбу асосли фикрнинг тасдиқини методика қийматларини мазумний боғлиқлигин ўрганиш орқали шарҳлашга ҳаракат қилинади.

Методика қийматлари ўртасидаги ички алоқалар ўқувчиларнинг тушунчаларни шакллантиришга қобилиятларида қайси хусусиятлар ўртасида етарлича боғланиш ва қайсиларида эса шакллантириш зарурлигини тасдиқлади.

Ўқувчиларнинг методикалар бўйича миқдорий қийматларини умумий ва хусусий ҳолдаги қийматлари шарҳланади.

3.3.3-жадвал

Ўқувчиларнинг тушунчаларни шакллантиришга психик тайёрикликларини корреляция коэффициентлари (умумий натижа)

№	Методикалар	Пиктограмма	Мураккаб анология	Тушунчаларни таққослаш	Мухим белгиларини ажратиб кўрсатиш	Мантиқий тафаккур	Ортиқчасини ўчириш
1.	Пиктограмма	1	0,138	0,278**	-0,026	0,072	0,122
2.	Мураккаб анология		1	0,193	0,185	0,243*	0,231*
3.	Тушунчаларни таққослаш			1	0,079	0,289**	0,199*
4.	Мухим белгиларини ажратиб кўрсатиш				1	0,261**	0,370**
5.	Мантиқий тафаккур					1	0,495**
6.	Ортиқчасини ўчириш						1

* $p\leq 0,05$; ** $p\leq 0,01$

Ўқувчиларнинг методикалар бўйича миқдорий қийматларига кўра ахборотларни эсга олиб қолишга тайёриклилари тушунчаларни таққослаш методикаси ўртасида аҳамиятли боғланиш аниқланди- $r=0,278$, $p\leq 0,01$. Корреляцион аҳамиятли кўрсаткичлар ўқувчиларнинг хатиралар тушунчаларни шакллантиришида уларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини ажратишига таянишлари ёрдам бериши ҳам мумкин. Иккинчи бир жиҳатида тушунчалардаги ўхшашлик ва фарқлар хотира ва тафаккурнинг ассоциатив

назарияси таълимотларига ҳам боғлиқдир. Ўқувчиларнингбилимларни ўзлаштиришида хотиранинг аҳамияти муҳимлигини тадқиқот натижаларини яна бир бора тасдиқламоқда.

Ўқувчиларнинг миқдорий қийматлари ўртасидаги аҳамиятли кўрсаткичларнинг яна бир кўриниши “Мураккаб аналогия” ва “Ортиқчасин ўчиринг” методикалари ўртасида кузатилди. Методикалар ўртасидаги аҳамиятли кўрсаткичлар ўқувчиларнинг тушунчиаларни ўзлаштиришларида мураккаб аналогия қонунларига таяниш қобилияtlарини ривожлантириш сабабли таълим жараёнида мантиқий тафаккурни- $r=0,243$, $p\leq 0,05$ ва предмет ва воқеа-ҳодисаларни умумлаштириш, сабаб ва оқибат боғланишларини фарқлаш кўникмаларига эга бўлишлари- $r=0,231$, $p\leq 0,05$ ни изоҳлади.

Ўқувчиларнинг аҳамиятли қийматларининг яна бир кўриниши “Тушунчаларни таққослаш” билан “Мантиқий тафаккур”- $r=0,289$, $p\leq 0,01$ ва “Ортиқчасини ўчиринг” методикалари- $r=0,199$, $p\leq 0,05$ ўртасида экан. Ўқувчиларнинг қийматлари тушунчаларни таққослаш, яъни тафаккурнинг анализ, синтез ва таққослаш сингари муҳим операцияларининг шакллантириш орқали бир неча предметлар ўртасидаги боғлиқликлар ва тафовутларни аниқлаш ёрдамида конкрет тафаккурни шакллантиришга эришишлар мумкин бўлади. Бундай ҳолат юридик тушунчаларни шакллантириш жараёнида ўқувчиларда анча қўл келади ва таълим жараёнида билимларни ўзлаштиришларига кўмаклашади.

Ўқувчиларнинг “Муҳим белгиларини ажратинг” методикаси билан “Мантиқий тафаккур”- $r=0,261$, $p\leq 0,01$ ва “Ортиқчасини ўчиринг” методикалари- $r=0,370$, $p\leq 0,01$ ўртасида ҳам аниқланди. Ўқувчиларнинг предмет ва воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муҳим белгиларни ажратса олишлари туфайли абстракт-мантиқий мулоҳазалашга эришар эканлар ва тушунчаларнинг мавҳум томонларини кўришга мойил бўлиб боришларини билдиради. Ўқувчи тушунчаларнинг муҳим белгиларини ажратса олиш қобилиятини ривожлантириш оқибатида мантиқий тафаккури ва сабаб-оқибат тамойилига кўра воқеа-ҳодисаларни тушунишга эришишлари мумкин бўлади.

Ўқувчиларда мантиқий тафаккурнинг ривожаланиши тушунчаларни шакллантиришда конкрет тафаккурни ўсишига ҳам олиб келар экан- $r=0,289$, $p\leq 0,01$.

3.3.4-жадвал

Ўқувчиларнинг тушунчаларни шакллантиришга психик тайёрикликларини корреляция коэффициентлари (ўғил болалар натижалари)

№	Методикалар	Пиктограмма	Мураккаб аналогия	Тушунчаларни таққослаш	Муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш	Мантиқий тафаккур	Ортиқчасини ўчириш
1.	Пиктограмма	1	0,157	0,054	0,036	0,047	0,117
2.	Мураккаб аналогия		1	0,180	0,073	0,381**	0,295*
3.	Тушунчаларни таққослаш			1	0,394**	0,415**	0,485**
4.	Муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш				1	0,353**	0,366**
5.	Мантиқий					1	0,526**

	тафаккур						
6.	Ортиқасини үчириш						1

* $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Үғил болаларнинг қийматлари ўқувчиларнинг методикалар бўйича умумий натижаларига ўхшаш кўринишга эга бўлди. Аммо “Пиктограмма” методкаси ҳеч бир методика билан корреляцион муносабатга эга бўлмади. Үғил болаларнинг корреляцион аҳамиятли кўрсаткичлар ўқувчиларнинг микдорий қийматлари “Мураккаб аналогия” ва “Ортиқасин ўчиринг” методикалари ўртасида кузатилди. Методикалар ўртасидаги аҳамиятли кўрсаткичлар ўқувчиларнинг тушунчиаларни ўзлаштиришларида мураккаб аналогия қонунларига таяниш қобилияtlарини ривожлантириш сабабли таълим жараёнида мантқий тафаккурни- $r=0,381$, $p \leq 0,01$ ва предмет ва воқеа-ходисаларни умумлаштириш, сабаб ва оқибат боғланишларини фарқлаш кўникмаларига эга бўлишлари- $r=0,295$, $p \leq 0,05$ билан боғлиқ.

Үғил болаларнинг аҳамиятли қийматлари “Тушунчаларни таққослаш” — “Мухим белгиларини ажратиш”- $r=0,394$, $p \leq 0,01$; “Мантиқий тафаккур”- $r=0,415$, $p \leq 0,01$ ва “Ортиқасини ўчиринг” методикалари- $r=0,485$, $p \leq 0,01$ ўртасида аниқланди. Демак, үғил болаларнинг умумий натижалари қизларники билан таққослагандаги нисбатан пастрокқа ўхшаш тасаввур уйғотган бўлса-да, аммо уларнинг қийматларининг ички алоқадорлиги анчагина чуқурроқ боғланишларга эгалигини кўрсатмоқда. Үғил болалар тушунчаларни таққослаш, яъни тафаккурнинг анализ, синтез ва таққослаш сингари мухим операцияларининг шакллантириш орқали бир неча предметлар ўртасидаги боғлиқликлар ва тафовутларни аниқлаш кўникмалари орқали конкрет тафаккурни шакллантиришга эришишлар мумкин.

Үғил болаларнинг “Мухим белгиларини ажратинг” — “Мантиқий тафаккур”- $r=0,353$, $p \leq 0,01$ ҳамда “Ортиқасини ўчиринг” методикалари- $r=0,366$, $p \leq 0,01$ ўртасида мавжуд экан. Үғил болалар ўспиринлик ёшига келиб, ҳаётий масалалар ва фаолият билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қизларга нисбатан анча юқори амалий фаолиятни намоён этишга қобилиятли бўлиб борадилар. Улар предмет ва воқеа-ходисалар ўртасидаги мухим белгиларни ажратади олишлари туфайли абстракт-мантиқий мулоҳазалашга эришар эканлар ва тушунчаларнинг мавҳум томонларини кўриш қобилиятини камол топтириб борадилар. Ўқувчи тушунчаларнинг мухим белгиларини ажратади олиш қобилиятини ривожлантириш оқибатида мантиқий тафаккури ва сабаб-оқибат тамойилига кўра воқеа-ходисаларни тушунишга эришишлари мумкин бўлади.

Шунингдек, үғил болаларда мантиқий тафаккурнинг ривожаланиши тушунчаларни шакллантириш ҳисобида ўзларида конкрет тафаккурнинг мухим хусусиятларини ўзларида камол топтиришлари мумкин деб ҳисоблаш мумкин- $r=0,289$, $p \leq 0,01$.

**Ўқувчиларнинг тушунчаларни шакллантиришга психик тайёрикларини
корреляция коэффициентлари
(қизларнинг натижалари)**

№		Пиктограмма	Мураккаб анология	Тушунчаларни таққослаш	Мухим белгиларини ажратиб кўрсатиш	Мантикий тафаккур	Ортиқчасини ўчириш
1.	Пиктограмма	1	0,107	0,507**	-0,104	0,113	0,120
2.	Мураккаб анология		1	0,254*	0,221*	0,168	0,150
3.	Тушунчаларни таққослаш			1	-0,182	0,131	-0,100
4.	Мухим белгиларини ажратиб кўрсатиш				1	0,230	0,359**
5.	Мантикий тафаккур					1	0,490**
6.	Ортиқчасини ўчириш						1

* $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$

Қиз болаларнинг қийматлари ўзига хос кўринмиш олди. Уларда “Пиктограмма”-“тушунчаларни таққослаш” методикаси ўртасида корреляцион коэффициент кузатилди- $r=0,507$, $p \leq 0,01$. Қизларнинг методика бўйича кўрсаткичлар статистик жиҳатдан фарқ қилмаса-да, аммао назар ташлаганда ўғил болаларнинг қиймаларидан озроқ фарқ қилди. Ўспиринлик ёшига қадар қизларнинг хотира кўрсаткичлари айrim ўринларда ўғил болаларнидан ажралиб туриши кундалик тажрибаларда ҳам тасдиқланган. Қизларнинг қийматлари эсга олиб қолишининг ўсиши тушунчаларни таққослаш операциясини ўсишига сабаб бўла дейиш мумкин. Бу эса ўқувчиларда ассоциация қонуниятидан фойдаланган ҳолда ҳам маълумотларни эсга олиб қолиши билан бир қаторда, предмет ва воқеа-ҳодисалар ўртасидаги тафовутларни ассоциация қонуниятларига мувофиқ таққослашни енгил амалга ошира оладилар.

Қизларнинг корреляцион аҳамиятли кўрсаткичларидан бири “Мураккаб анология”—“тушунчаларни таққослаш” - $r=0,254$, $p \leq 0,05$ ва “муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш” методикалари- $r=0,221$, $p \leq 0,05$ ўртасида аниқланди. Ушбу миқдорий қийматлар ўқувчи қизларнинг тушунчаларни шакллантириш учун ортиқча қийинчилик билан мантикий тушунтиришга эришсалар, уларда абстракт ва мураккаб мантикий алоқаларни пайқашга лаёқатлидирлар. Предмет ва ҳодисалар орасидаги мураккаб ўхшаликларни фарқлашга эришиш орқали эса тушунчалардаги муҳим белги ва аломатларни ортиқча қийинчилик ажратадилар бўлиб қоладилар.

Яна ўқувчи қизларда “муҳим белгиларни ажратиши”- “мантикий тафаккур” ўртасида - $r=0,359$, $p \leq 0,01$. Бу эса тушунчаларнинг фарқлаш ва уларнинг бир авлодга мансуб эканлигини аниқлашда тўри ва мустақил ёндашишга қобилиятили бўлишлари мантикий фикрлашларини ўсишига сабаб бўлиши шубҳасиз.

Олдинги қийматлар сингари ўқувчи қизларда ҳам мантикий тафаккурнинг ривожаланиши тушунчаларни шакллантириш ҳисобида ўзларида конкрет тафаккурнинг

муҳим хусусиятларини ўзларида камол топтиришлари мумкин деб ҳисоблаш мумкин- $r=0,490$, $p\leq 0,01$.

Тадқиқот методикаларининг дастлабки натижалари шундан далолат берадики, ўқувчиларнинг юридик тушунчаларни шакллантиришга психологик имкониятлари етарлича, аммо уларни ҳуқуқшунослик фани бўйича билимларни ўзлаштиришлари вактида таълим методлари билан уйғунлаштиришлари анча ижобий натижа бериши мумкин. Бу эса ўқувчиларда юридик тушунчаларни шакллантиришга бағишлиланган тадқиқот ишимизнинг навбатдаги вазифаларидан биридир.

Тушунчани аниқлашда тадқиқот предмети ва обьекти бош мезон ҳисобланса-да, аммо муаммони ўрганишни оптималлаштириш учун асосий ва қўшимча метод ва методикларни татбиқ этиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Тушунчани аниқлаш методлари ва методикалари тадқиқот обьектининг тушунчаларни ўзлаштириш хусусиятларини, бирор бир фан йўналиши бўйича билимларни ўзлаштириш лаёқати, қобилиятлилиги тушунчаларнинг шакллантириш қонуниятларини эгалашга тайёрлигини баҳолайди. Шу боис, методика натижаларини таҳлил этишда уларнинг бундай хусусиятларини ҳисобга олиш маъқул.

Адабиётлар

1. Ғозиев Э.Ф. Тафаккур психологияси.-Т.: Ўқитувчи.1990.-128 б.
2. Лурия А.Р. Язык и сознание. Под редакцией Е. Д. Хомской. Изд-во Моск. ун-та, 1979, 320 с.
3. Лурия А.Р. Язык и сознание. – Изд. 2-е. – Ростов на/Д., 1998, с.40
4. http://fikr.uz/posts/Fikr_psixologiya/11201.html
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
6. <http://www.moscowclimate.ru>.